

Ўрта гурух учун

## **РАНГЛИ ТАЁҚЧАЛАР ВОСИТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАХМИНИЙ МАШҒУЛОТ**

**МАВЗУ:** «Қўғирчоққа уйча ясаймиз».

**МАҚСАД :** болаларнинг геометрик шакллар (уч бурчак, квадрат, тўғри тўрт бурчак), узунлик (энг узун, калтарок, энг калта), санок (5 ичида) ҳақидаги тасаввурини мустаҳкамлаш, фазовий тасаввурларни ўстириш бўйича (чапроқ, ўнг томонига, паст, юқорида, ўртасида) машқларни давом эттириш, таёқчалар рангларини номлаб, тўқ сариқ сариқ оқ, бинафша, ва хоказо рангларни такрорлаш.

**КЎРGAЗМАЛИ ҚУРОЛ:** Хажмли рангли таёқчалар жамланмаси ва ҳар бир бола учун биттадан қўғирчоқлар.

**МАШҒУЛОТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ:** Болалар полда ярим доира шаклида жойлашади . Ҳар бир болада биттадан қўғирчоқ.

**МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ:** Болалар, келинлар, қўғирчоқларимиз (машиналаримиз) учун рангли таёқчалардан уйча ясаб кўрайлик. Қўлларингизга 4 та тўқ сариқ таёқча олинг – да, улардан квадрат ясанг. Демак, «девор»ларимиз тайёр бўлди. Энди 2 та зангори таёқчадан том ясаймиз . Томимиз қандай шаклда бўлди.( уч бурчак шаклида). Уйнинг девори ва тоmidан бошқа яна нима бўлади (Болалар жавоби: дераза, эшик, мўри). Тўғри, 2 та ним пушти (оч қизил) таёқчадан дераза ясанг, 2 та сариқ таёқчадан эса эшикни 1 та қизил таёқчадан мўрисини ясаймиз. Қаранг, қандай чиройли уйчалар пайдо бўлди. Мўрисидан нима чиқади? (Болалар жавоби : - тутун). Қайси таёқчалардан тутун ясаймиз? Қанча таёқчалар керак? (болаларнинг жавоблари). Дераза қандай шаклга ўхшайди? Эшик-чи? Мўриси-чи? Энди уйингизга қўғирчоқларни таклиф қилсак бўлади. Улар қандай қилиб киради бу уйлариингизга? Эшик олдида нима қуриб беришимиз керак? (зинапояни) Тўғри, зинапояни биз оқ, зангори, сариқ таёқчалардан ясаймиз. Мана, зинапоя хам тайёр бўлди. Қани, айтинг-чи зинапоянинг энг пастидаги таёқча қайси рангда, энг юқоридаги-чи? Ўртадаги-чи?

Қўғирчоғингиз билан зинапоядан тушганингизда ҳар қайси зинапоянинг рангини айтиб ўтинг. Энди пастга тушиб олинг. Қўғирчоғингизни энг узун зинапоясига қўйинг, (калтароқ, энг калтасига) Ўртадаги таёқча қайси рангда? (болалар жавоби) Энди уйимиз атрофига тўсиқ қурамыз. Бинафша рангдаги 3 та таёқча олинг ва уйчанинг чап томонига ўрнатинг, шу рангдаги яна 4 тасини эса уйчанинг ўнг томонига жойлаштиринг Мана, тўсиқлар ҳам тайёр бўлди. Тўсиқнинг таёқчалари қандай баландликда? (Болалар жавоби: - Бир хил баландликда) Ранглари-чи? Энди уйимиз ёнига дарахт ўтказамиз. Дарахт танасини яшил таёқчасидан ясаймиз. Шохлари эса 2 та зангори таёқчалардан. Дарахт танаси учун нечта таёқча керак бўлади? Шохлар учун-чи? Улар қандай рангда? Қўғирчоқлар бир-бириникига меҳмонга борганда қаердан юрар экан-а? Йўлакчалар керак экан-а. Уйлар орасига йўлакчалар ясайлик. Фақат ҳар қайси йўлакча бир хил рангда бўлсин. (Болалардан қайси ранг таёқчалардан, нечтада таёқчадан йўлакчалар қурилганлигини сўралади) Ўйлайманки, барча қўғирчоқлар бундай чиройли уйларда яхши яшайди ва бир бириникига меҳмон бўлишади.

Машғулотни **яқунлаш**: Машғулот давомида болаларнинг бажараётган ишлари назорат қилиб борилади ҳамда чиройли ва тўғри бажарилган ишлар, тўғри жавоб берган болалар рағбатлантирилади.

М.Мусурмонова –Жиззах ВХТХҚТМОИ мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси